

**O‘zbekiston Respublikasi**

**Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi**

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

# XORIJIY FILOLOGIYA

*til • adabiyot • ta’lim*

ilmiy–uslubiy jurnal

Samarqand

---

**3(76)/ 2020**

---

**Ministry of Higher and Secondary Special  
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

# FOREIGN PHILOLOGY

*Language • Literature • Education*

Scientific-methodology journal

Samarkand

*Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим.*

№3 (76), 2020.

Уч ойда бир марта чиқадиган илмий-услубий журнал

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар  
институтини

Таҳрир хайъати:

**ТУХТАСИНОВ** Илхомжон (раис)  
**САФАРОВ** Шаҳриёр (бош муҳаррир)  
**АШУРОВА** Дилором  
**АШУРОВ** Шаҳобиддин  
**ТУРНИЁЗОВ** Нёмат  
**РИЗАЕВ** Баҳодир  
(муҳаррир ўринбосари)  
**МИРСАНОВ** Ғайбулла  
**НАСРУЛЛАЕВА** Нафиса  
**ИСМОИЛОВ** Салоҳиддин  
**КИСЕЛЁВ** Дмитрий  
**ЯХШИЕВ** Ашур (масъул котиб)

Жамоатчилик кенгаши:

**БУШУЙ** Татьяна  
**ГНИОМ** Оливье (Франция)  
**КИДА** Цуйоши (Япония)  
**СИГМИЛЛЕР** Стив (АҚШ)  
**УСМОНОВ** Ўрол  
**ЖИАНГ** Фенг (Хитой)  
**РАҲИМОВ** Ғанишер  
**МИРЗАЕВ** Ибодулло  
**КАРАСИК** Владимир (Россия)

Журнал Олий Аттестация комиссиясининг  
филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014  
йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан  
зарурий нашрлар рўйхатига киритилган.

Таҳририят манзили:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93, СамДЧТИ.  
Телефонлар: (998-662)233-78-43;  
(998-662)231-13-42  
Факс: (998-662) 210-00-18.  
Email: [ssifl\\_info@mail.ru](mailto:ssifl_info@mail.ru)

Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва  
ахборот бошқармаси томонидан № 09-12 рақам  
билан рўйхатга олинган.

ISSN: 2181-743X; Индекс 1266.

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институтини,  
2020 йил.

*Foreign Philology: Language, Literature, Education.*

№3 (76), 2020.

Scientific-methodical journal

Founder: Samarkand State Institute of Foreign  
Languages

Editorial Board:

**TUKHTASINOV** Ilhomjon (chairman )  
**SAFAROV** Shahriyor (editor-in-chief)  
**ASHUROVA** Dilorom  
**ASHUROV** Shahobiddin  
**TURNIYOZOV** Nemat  
**RIZAYEV** Bakhodir  
(vice editor)  
**MIRSANOV** Gaibulla  
**NASRULLAEVA** Nafisa  
**ISMAILOV** Salohiddin  
**KISELYOV** Dmitriy  
**YAKHSHIEV** Ashur (executive secretary)

Public Council:

**BUSHUY** Tatyana  
**GUILLAUME** Olivier (France)  
**KIDA** Tsuyoshi (Japan)  
**SEEGMILLER** Steev (USA)  
**USMONOV** Ural  
**JIANG** Feng (China)  
**RAKHIMOV** Ganisher  
**MIRZAEV** Ibodullo  
**KARASIK** Vladimir (Russia)

The journal is included in the list of required  
publications according to the recommendation of the  
expert council in filological sciences of Higher Attestation  
Committee (Proceeding #2 from March 10, 2014).

Address:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.  
Phone: (998-662) 233-78-43;  
(998-662)231-13-42  
Fax: (998-662) 210-00-18  
Email: [ssifl\\_info@mail.ru](mailto:ssifl_info@mail.ru)

The journal is registered under No 09-12 by  
Samarkand Regional Department of press and  
information.

ISSN: 2181-743X, Index 1266.

The journal has been published since 2001.

© Samarkand State Institute of Foreign Languages,  
2020.



## МУНДАРИЖА

### МАҚОЛАЛАР

<b>Сафаров Ш.</b> Сўз яшаш тизимлари қиёсига когнитив ёндашув .....	5
<b>Санакулов У., Нуралиев Ғ.</b> Лексик систем сифатида сўзларни гуруҳларга ажратиш ўрганишда қўлланилган майдон атамаси ҳақида .....	9
<b>Turobov A.</b> Ogʻzaki va yozma nutq xususida .....	15
<b>Каримова С.</b> Зебуннисобегим ва Мохларойим Нодира шеърятда тасаввуфий-ирфоний қарашлар талқини .....	17
<b>Джумабаева Ж., Алаутдинова К.</b> Особенности речевого этикета межпрофессионального сотрудничества .....	22
<b>Пардаева З.</b> Вопросы транскультурной парадигмы в мировой литературе .....	27
<b>Ким О.</b> Художественные искания социально-психологической драмы XX века .....	37
<b>U Ayjun(吴爱荣) Liu Kun(刘鹗).</b> Xitoy va oʻzbekiston moddiy folklorini taqqoslash .....	43
<b>Сапарова К.</b> Рус ва ўзбек тиллари фоностилистик воситаларининг ўхшаш ва ўзига хос хусусиятлари .....	52
<b>Худойбердиева Д.</b> К вопросу о словообразовательных способах выражения субъективной оценки (на материале русской прозы) .....	57
<b>Бузрукова М.</b> Бевосита ифодаланган илтимос нутқий актининг лисоний-маданий хусусиятлари .....	63
<b>Арипова Г.</b> Мусикий терминлар луғатини тузишда лингвистик ва соҳавий ёндашув .....	69
<b>Юсупова Г.</b> Основные признаки и закономерности моделирования художественного нарратива .....	73

### ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

<b>Амриддинова Н.</b> Оказионал номинацияларнинг асосий семантик турлари ва алмаштиришларни қабул қилишни шакллантириш механизмлари .....	77
<b>Toʻxtamishev A.</b> Xitoy tili “boʻlmoq” bogʻlamasining tahlili .....	82
<b>Нуруллаева З.</b> Форс – тожик тилидаги изоҳли луғатларнинг яратилиш сабаблари .....	85
<b>Очилова Н.</b> Замонавий илмий дискурсининг фарқли белгилари .....	89
<b>Очилова Д.</b> Реставрация даври инглиз адабиётида классицизм .....	94
<b>Muxamedjanova Sh.</b> Xitoy tilida 来[lái] va 去[qù] harakat yoʻnalishi feʼllari semantikasi .....	98
<b>Йўлдошев У.</b> Насрий таржиманинг ўзига хос муаммолари .....	103
<b>Қодирова Б.</b> Ўзбек ва козоқ тилларидаги фонетик терминларнинг қиёсий-типологик таҳлили (мактаб дарсликлари асосида) .....	110

### ЁШЛАР МИНБАРИ

<b>Ахмедова Г.</b> Чет тилини ўргатиш жараёнида мотивациянинг ўрни .....	117
--	-----

### ТАҚРИЗ

<b>Ҳасанов Ш.</b> XX аср адабиёти талқинлари .....	122
--	-----



## НАСРИЙ ТАРЖИМАНИНГ ЎЗИГА ХОС МУАММОЛАРИ

*Йўлдошев Улугбек Равшанбекович,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчиси*

*Калит сўзлар: таржима, насрий таржима, эквивалентлик, аслият матни, аслият тили, таржима матни, таржима тили, маданият, тил бирликлари, структура, ифодалаш, қайта яратиш.*

Бизга аёнки, “бадий наср таржимаси”- бу роман, эссе, бадий адабиёт, қисқа хикоялар, комедия, халқ эртаклари, танқидий асарлар, илмий фантастика ва бошқа ёзма адабий жанрларнинг бир тилдан бошқа тилда қайта яратишга мўлжалланган ёзма таржима қилиш бўлиб, адабий ижоднинг бир тури ҳисобланади. Шеърят таржимасининг мураккаблигини эътироф этган таржимонлар эндиликда насрий асарларни таржима қилишда ҳам жуда кўп муаммоларга дуч келиш мумкинлигини таъкидлашмоқда. Бу муаммолар сирасига аслият ва таржима тиллари ва матнининг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларинини киритиш мумкин. Жумладан, агарда таржима тили ва таржима матни ўзаро бошқа-бошқа маданиятга тегишли бўлса, насрий таржимон биринчи бўлиб дуч келадиган муаммо таржимоннинг матндаги лексик бирликларни ўз она тилида сўзларнинг муайян маъносини энг тўғри келадиган вариантини топишдир. Шунингдек, улар маданиятни ифодалаб келиши ҳам мумкин, шунинг учун бундай сўзларни таржима қилишда таржимонлар эҳтиёт бўлишлари лозим. Бундан ташқари, таржимонлар тажнислар (сўз ўйини)ни таржима

қилишда ҳам бир қанча қийинчиликларга дуч келадилар. Шунга ўхшаш ҳолатларни хикоя ва романларнинг сарлавҳаларини ўгиришда ёки таржима қилиш имконсиз бўлган сўзларда учратиш мумкин. Кўпчилик ўйлайдики, бадий асарни таржима қилишни оддий матн таржима қилишдан кўра осонроқ, яъни бадий талқин қилишнинг энг юқори даражаларидан бири деб ҳисоблашади. Бадий таржимон ҳис-туйғуларни, кичик маданий фарқларни, юмор ҳамда шу каби асарнинг нозик жиҳатларини ҳис қила оладиган бўлишлари лозим. Аслида, таржимонлар шунчаки таржима қилишмайди, балки аниқ ифодаланиши керак бўлган маънони етказиб берадилар. Шунинг учун ҳам таржима қилишдан олдин тўлиқ матнни кўриб чиқадилар.

Бадий таржима деганда биз асосан насрий ва назмий жанрдаги матнлар таржимасини тушунамиз. Шу ўринда бу икки жанрдаги матнлар таржимаси ўртасидаги фарқ ва ўхшашликларни аниқлаб олишимиз зарур.

Бадий таржиманинг биринчи тури насрий яъни проза жанрида ёзилган мантлар таржимаси бўлиб, у назмий таржимадан, яъни шеърый таржимадан тубдан фарқ қилади.

Насрий таржима моҳияти, яъни унинг лисоний жиҳатлари	Назмий таржиманинг лисоний жиҳатлари
насрий кенг тарқалган таржима тури бўлиб, бошқа турлар орасида алоҳида ўрин тутаяди	таржимада назмий матн, яъни шеърый матн билан иш кўрилади
насрий матнлар билан иш кўрилади	таржимада ўзига хос назмий оҳангдорлик таъминланиши шарт
насрий таржимада ўзига хос грамматик, лексик, стилистик, прагматик жиҳатлар мавжуд	таржимада вазнини танлаш ва унга риоя қилиш масъулияти мавжуд
эркин таржима, ижодий таржима ва бошқа	шеърый ўлчовларни таржима тилида



таржима услубларини қўллаш мумкин	танлаш ва уларни муваффақиятли қўллаш талаб этилади
таржима учун чеклашлар (маълум шакл ва мазмунни уйғунлаштириш ва оҳанг қолипига тушиш каби талаблар мавжуд эмас)	таржима тилига ассонанс, аллитерация ва бошқа фонетик стилистик воситаларни таржима қилиш ва улардан кузатилган мақсадга таржима тилида ҳам эришилиш
	назмий асар сатрлар сони ва уларга мужассамлаштирилган фикр ва ғояларни сақлаб қола билишлик масъулияти
	назмий лексик, грамматик ва стилистик воситаларга мурожаат қилиш ва улардан муваффақиятли фойдаланишга эришиш

Демак, насрий ва назмий матнлар таржимасида юқорида такидланган талабларга риоя этилишини тaminлаш таржимани муваффақиятли чиқишида асосий мезонлар бири саналади. Мазкур рисоламизда насрий матнлар таржимаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, муаммолари кабилар ҳақида сўз юритамиз.

Бу борада П.Ньюмарк насрий матнни таржима қилувчига нисбатан “матннинг маъносини таржима қилишда муаллиф каби матнни англаши керак” дея таъкидлайди [10,5]. Олим тўғри таъкидланадек, бадий наср таржимони асар муаллифининг уни ёзишдан асосий мақсади, илгари сурган ғоялари, ички – кечинмаларини таржимон тўғри англаган ҳолда ўгира олсагина аслият матнидаги бадий завқ таржима матнига ҳам олиб ўтилади. Лауренс Венуттининг таъкидича, аслият матни “...архаизмлардаги диахроник ўзгарувчанликлар, сленглар, адабий эллузия ва расм-русмлар” каби бадий қирраларни ўз ичига олган бўлади [14, 37]. Аслият матни бадий услуби кенг доирани камраб олганлиги боис унда тил ва нутқда қўлланадиган барча бирликларни учратишимиз мумкин. Бадий матн таржимони эса шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратиши керак.

Бундан ташқари таржимон кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган атрибутлардан ҳам бир вақтнинг ўзида фойдалана олиши керак. Шлеермахер анъанасига кўра, ҳар қандай ҳолатда ҳам таржима қилинаётган матн таржимон яратган янгилigidан эмас, балки манба матнидан олиниши керак.

Бадий-насрий таржимада тил кўпроқ коммуникатив, ижтимоий ёки боғловчи мақсадларга эга бўлади. Сўз адабиётнинг асосий таркибий қисми сифатида ишлайди, яъни бадий жиҳатдан ўз вазифасига эга бўлади. Тажриба курслари жараёнида таржиманинг инновацион ишининг бошланиши ва яқунланишида таржима қилинаётган асар тасвирлари доираси мужассам бўлади. Шунинг учун “наср таржимасида” унинг муайян қонунларига боғлиқ санъат соҳаларига оид муаммолар мавжуд.

Шу ўринда “бадий асар таржимаси” нуктаи назардан таржима тушунчасининг моҳияти борасида фикр юритиш ўринли, деб ҳисоблаймиз. Аслида “таржима” сўзи латинча *translatio* таржимасидан олинган (*trans* ва *fero*-сўзларидан келиб чиққан бўлиб, уларнинг биргаликда маъноси кесиб ўтиш ёки олиб ўтиш) деган маънони англатади [9, 83]. Бадий таржима одатда бир халқнинг тилида яратилган бадий наср намуналарини бошқа бир халқ тилига асар муаллифи назарда тутгандек олиб ўтишдир. Бир тилда яратилган бадий адабиётни бошқа тил вакилларида уни ўқиш ва унинг бадий эстетик қийматидан завқ олиш иштиёқи туғилсагина бадий таржима амалга оширилади. М.Кохеннинг бу борадаги фикрига кўра, бадий таржима ёзма адабиёт пайдо бўлгандан кейингина бошланган [7,13]. Адабиётшунослик тарихига назар солсак, илк бадий асар намуналари ҳам бошқа тилга бадий таржима орқали ўтирилган. Н. Бхатининг фикрига кўра, таржима



“манба тили матнининг маъносини эквивалент таржима тили матнининг воситалари билан ўзаро алоқага кириши”дир [5, 53]. Қисқача қилиб айтганда, таржима қилиш - бу бирор матндаги маънони бошқа матндаги эквивалент маънога олиб ўтишдир. Ҳолбуки, наср метрик тузилишга эга бўлмаган оддий оғзаки ёки ёзма нутқни англатади. Бу эса сўзларни энг яхши тартибда жойлашганлигини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, шеърий бўлмаган ҳамма бадий ижод намуналари насрийдир. Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилган таърифга келсак, насрий ғоялар ҳеч бир ортиқча безакларсиз таржима қилинади, чунки ғоялар ҳар қандай метрик композицияга амал қилмайди.

О. Пазнинг қарашларига кўра, “ҳар бир матн ўзига хос хусусиятга эгадир ва шу билан бирга таржима ҳам бутунлай бошқа матндир. Ҳеч қандай матн оригиналичалик тўлиқ бўлмайди, чунки тил унда таржима қилинган бўлади: биринчидан тилнинг ёзма дунёси, иккинчидан, ҳар бир белгилар ва фразалар унда бутунлай бошқа белги ва фраза бўлиб жой олади. Шундай бўлишига қарамай, ҳар қандай матн ҳақиқийлигини йўқотмасдан таржима қилиниши мумкин: барча матнлар оригиналдир чунки ҳар бир таржима ўзига хосдир. Ҳар бир таржима маълум бир вақтгача бир кашфиётдек бўлади, ва шу тариқа у такрорланмас матни ташкил қилади” [12, 9]. Бадий насрнинг таржимаси адабий ижоддан фарқ қилади, чунки унинг олами таржима объекти, таржима қилинадиган ишнинг борлиғига боғлиқ бўлади. Бироқ, реал адабий жараёнда насрий таржима ва бадий ижодкорлик ўртасидаги чегарани ажратиб турувчи жиҳатларни ҳар доим ҳам англаб олишни имкони бўлмайди. Баъзан, бирор асарни умумий маънода таржима деб бўлмайди, шунингдек, бадий адабиётнинг намунаси сифатида ҳам мутлоқ ифода этиб бўлмайди. Бундай таржималарни белгилаш учун ишлатиладиган бир нечта усуллар мавжуд бўлиб, улар “оқ таржима”, “юзак таржима”, “мавзуларда ишлаш” кабиларни

кўришимиз мумкин. Ушбу белгиларнинг ўзига хос маънолари тил ва сонга суянишдир.

Валтер Бенжамин бу борада қуйидаги фикрларни таъкидлайди: таржима оригинал матни кўрсатмайди, унинг ўзаро алоқаларда боғлиқлиги ҳам йўқ, унинг мақсади маънони кўчириб ўтиш эмас. Ёзма таржималар шунчаки таклид қилиш ёки нусха кўчириш эмас, аксинча олдинги матннинг моҳиятини ажратиб олишга ва етказишга интилади [4, 213]. Дастлаб таржимонлар аслият тили ва таржима тилини ҳам тенг идрок этишган ва таржимага эҳтиёткорлик билан ёндашишган. Аммо таржимон учун бутун бир матни сўзма-сўз етказиб бериш жуда қийин бўлади. Шунинг учун у ўз нуқтаи назаридан фойдаланади ва шунга мос равишда таржима қилишга ҳаракат қилади [15, 26]. Таржима омма томонидан кенг қабул қилинади ва “аслият матн” ва “таржима матни”, “аслият тили” ва “таржима тили” вақт ва маконда доимий равишда ўзгаришга учраб туради.

Базилиялик таржимонлар эса “таржимон канибал сифатида дастлабки матни ютиб юборади ва мутлақо янги нарса яратади”, деб ҳисоблайдилар [2, 32]. Одатда кўплаб нашриётчилар, таҳрирчилар ва китобхонлар таржима талқин қилиш нуқтаи назардан камчиликлардан холи бўлса, у таржима матни ўқувчиси томонидан қабул қилинади, деб ҳисоблайдилар. Агар унда чет эллик муаллифнинг ўзига хослиги ёки мақсади ёйинки чет эл китобининг туб маъноси акс этса, реал воқеъликда таржима ўз моҳиятини йўқотади аммо асл нусхалигича қолаверади.

Бадий таржима катта ақлий меҳнатни талаб этувчи фаолият бўлиб, таржима жараёнида баъзи қийинчиликлар юзага чиқади. Чунки ҳар бир тил дунёни турлича тасвирлайди ва тиллар ўзига хос грамматик тузилишга, грамматик қоидаларга ва тил синтаксисининг ўзгаришига эга.

Таржимонлар дуч келадиган энг муҳим муаммоларга талқин қилиниши қийин бўлган матнлар, экстралингвистик



маълумотларнинг камлиги, бир нечта грамматик конструкциялар, диалектга оид терминлари ва неологизмлар, ноаниқ тушунарсиз терминлар, тушунарсиз қисқартмалар ва қисқартиришлар, таржима қилинмайдиган лексик бирликлар, муаллифнинг истагига кўра бошқача номланишлар, маълум бир маданиятга оид ахборотлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунга кўра, баъзи таржима назариётчилари “насрий таржима”ни амалга ошириб бўлмади деб ҳисоблашади. Ҳозирда улар ушбу ҳолатга нисбатан ўзларини хулосаларини тасдиқловчи учта сабабни кўрсатиб ўтишган:

- биринчи сабаб: бир тилда маълум бир сўз кўпинча бошқа тилда бир неча сўзни камраб оладиган маъноларни ўз ичига олади. Масалан, инглиз тилидаги “*wall*” сўзи немис тилида “*Wand*” (ички девор) ва “*Mauer*” (ташки девор) маъноларини англатади;

- иккинчи сабаб: грамматик бирликлар (фёъл замонлари, бирлик, кўплик, келишиқ кўшимчалари) барча тилларда мавжуд эмаслиги;

- учинчи сабаб: битта тил ва маданиятнинг фразеологик бирликлар бошқа тилда сўзлашувчилар учун тушунарсиз ва номаълум бўлиши мумкин.

Бундан ташқари таржимонлар маданиятлар ўртасидаги фарқларнинг мураккаблигига ҳам дуч келадилар. Таржимада “маданий тафовут” мавзуси жуда муаммоли. Уолтер Бенжамин маданий тафовутни “таржиманинг ҳал бўлмаган ёки чекланганмаган муаммоси”, “трансформация жараёнида қарама-қаршилиқ ҳолати”, “таржима жараёнида таржима таркибига қирмайдиган белги” [3, 75] дея таъриф беради.

Ҳеч қайси икки тил бир хил ижтимоий воқеликни акс эттирадиган даражада ўхшаш эмас. Турли хил жамиятларда яшайдиган халқларнинг ҳам ўз ички олами бўладик, улар ўз навбатида кичик оламларни ташкил этади.

Эквивалентлик – бу таржима жараёнида энг кўп мурожаат этиладиган усуллардан бири бўлиб, насрий

таржимадан ундан фойдаланишнинг ўзига хос афзаллик ва ноафзалликлари мавжуд.

Эквивалентлик насрий таржимада бир неча вазифаларни бажаради, жумладан у таржиманинг асосий ҳодисаси ҳисобланиб, таржимани ўрганишда катта самара беради ҳамда таржималарни таҳлил қилиш учун фойдаланиш категориялар таркибига қиради. Эквивалентлик соҳаси морфемалар, сўзлар, иборалар, жумлалар, идиомлар ва атамалар каби тил бирликларини камраб олади. Ж.Кафтфорднинг фикрича, таржима амалиётининг асосий муаммоси таржима тилида эквивалентлар топишдир. Таржима назариясининг асосий мақсади таржима эквивалентлигининг табиати ва ҳодисаларининг тавсифини бериш [6, 21].

Энди “таржима – эквивалентлик – концепсия” масаласига эътибор қаратсак. П.Ньюмаркнинг фикрича, гоё муаллиф ёки китобхон, аслият ёки таржима матни тили фойдасига қараб, сўзма-сўз ва эркин, аслиятга содиқ ҳолда ва семантик, аниқ ва табиий таржима ўртасида айланиб туради [10, 67]. Бироқ, “динамик эквивалент таржима” насрий таржимада жуда ҳам муҳим ва бу ҳодиса ҳақида таржимонлар аниқ тасаввурга эга бўлишлари керак. Таржима назариётчилари динамик эквивалентликни таржима коди сифатида кўришади. Унга кўра таржимон аслият матнининг асл маъносини ўқувчилари тушунарли қилиб етказишга интилади ва одатда таржима матни ўқувчиси манба матнини ўқиган китобхонидек таржима матнидан бадий завқ олади. Бу жараёни Е.Найда ва С.Таберларнинг куйидаги фикрларида ҳам тасдиғини кўриш мумкин: “кўпинча аслият матнининг шакли ўзгаради, аммо ўзгаришларнинг кўп содир бўлиши аслият тилидаги грамматик ўзгаришлар, жараёндаги матний изчиллик, таржима тилидаги ўзгаришлар каби қонунларга амал қилади. Шу тартибда маълумот сақланади ва таржима аслиятга мослашади [11, 83]. Шунингдек, улар таржимада динамик эквивалентлик ахборотнинг тўғри мулоқотга йўналиш ҳажми анча пастлиғини таъкидлашади. Е.Найданинг таърифига кўра, динамик эквивалент таржима аслият



тилидаги ахборотни таржима тилида энг яқин табиий эквиваленти билан алмаштиришдир. Бу таъриф учта муҳим терминларни ўз ичига олади:

- *эквивалент* – аслият тилидаги ахборотга тегишли;

- *табиий* – таржима тилига тегишли;

- *энг яқин* – иккала йўналишни бир-бирига боғлайдиган энг юқори даражадаги мулоҳаза.

*Нейтрал* алоқа жараёнининг учта йўналишини кўрсатади: табиий таъриф тўлиқ ҳолатда таржима тили ва маданиятига, махсус ахборотнинг контекстига ва таржима тили аудиториясига тўлиқ мос келиши керак. Шунинг учун таржимада аслиятнинг номаълум унсурлари қолмаслиги керак.

Таржимонлар эквивалентлик ёндошувидан фойдаланган ҳолда таржима билан ўз ўқувчиларига “стандарт” таъсир кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Шунга қарамай, эквивалентлик тушунчаси бир нечта муаммоларни келтириб чиқаради, чунки биз уни турли хил услубларда талқин қилишимиз мумкин. Контекст каби жиҳатлар ҳам эквивалентликда кўриб чиқилади. Шунга алоқадор ҳолда, Ж.Катфорд таржимага “бир тилдаги матн хосил қилувчи материалларни бошқа тилда эквивалент бўлган матн хосил қилувчи материаллар билан алмаштириш ёки ўзгартириш”. [11, 20] Аммо унинг таржиманинг лингвистик назарияси бўйича қарашлари кўпчилик томонидан тўлиқ қабул қилинмаган.

Эквивалентлик борасида жуда кўп олимлар ўз қарашларини билдириб ўтишган. Бизнинг ҳам бу масалага эътиборимизнинг қаратилиши бадий матнда инсон портретини тасвирловчи лексик бирликларнинг ўзаро эквивалент ёки муқобил бўлиши ёки эквиваленти мавжуд бўлмаслик ҳолатлари каби масалаларда акс этади.

Таржимада эквивалент жараёни манба тилидан таржима тилига ўтишда ўқувчида тўғри маълумотни шакллантириш ҳолатида содир бўлади. Таржиманинг мақсади аслият ва таржима матн ўртасида эквивалентлик алоқасини

ўрнатиш бўлганлиги сабабли, тўлақонли таржимани икки мезон бўйича баҳолаш мумкин:

1) ишончлилик ва аниқлик (аслият матннинг маъносини аниқ таржима қилиш, унга қўшмасдан ёки олиб ташламасдан);

2) шаффофлик (маълум бир мақсадда тилнинг грамматик, синтактик ва идиоматик конвенцияларини сақлаб қолиш).

Биринчи мезонга жавоб берадиган таржима “аниқ таржима” деб номланади. Иккинчи тамойилга жавоб берадиган таржима “идиоматик таржима” деб номланади.

С.Халверсоннинг ёндашувига кўра, “эквивалентлик икки объект ўртасидаги муносабатлар сифатида белгиланади ва муносабатлар ҳар қандай потенциал фазилатлар нуктаи назаридан ўхшашлик, тенглик муносабатлари сифатида тавсифланади” [8, 46].

А.Пимнинг таъкидлашича “эквивалентлик таржимани белгилаши керак, таржима эса ўз навбатида эквивалентликни белгилайди” [13, 37].

М.Бакернинг “In other words: A Coursebook on Translation” асарида таржима жараёнига тегишли турли босқичларда эквивалентлик ғоясини ва таржиманинг барча ўзига хос хусусиятларини ўрганайди. У эквивалентликни қуйидаги йўллар билан таснифлайди:

1. сўз даражасидаги эквивалентлик. Сўз даражасининг эквивалентини аниқлашда таржимон битта сўзни кўриб чиқишда жинс ва вақт каби бир қатор омилларга эътибор бериши лозим бўлади;

2. грамматик эквивалентлик тиллараро ҳар хил грамматик категориялар (сон, замон, аспект, нисбат, шахс-сон, жинс)да намоён бўлади;

3. матн эквивалентлигига маълумот ва кетма-кетлик бўйича манбаа матни ва таржима матни ўртасида тенглик кузатилганда эришилади. Таржимон қуйидаги учта: “матн тури”, “таржима мақсади” ва “китобхон аудиторияси” каби омилларга таяниб иш юритиш лозим бўлади;





4. прагматик эквивалентлик орқали таржимон китобхонларга бошқа миллат маданиятини муаллиф истагани каби етказиб беришга ҳаракат қилади [1,52].

Винай ва Дарбелнет эквивалентлик бу - аслият матнини мутлақо бошқа сўзлардан фойдаланган ҳолда худди асл нусхадагидек қилиб тасвирлаш тушунишади [16, 253]. Уларнинг фикрига кўра, эквивалентлик иборалар, мақоллар, турғун бирикмалар ва ҳайвонларнинг ономатопоеик товушларини таржима тилида экс эттиришда энг самарали усулдир. Бироқ Винай ва Дарбелнет, турли тиллар орасидаги эквивалент ибораларни фақатгина икки тилни мукамал биладиган инсонларгина моҳирона етказиб бера олади деб ҳисоблайдилар [16, 255]. Шундай қилиб, улар эквивалентликни яратиш зарурати вазиятдан келиб чиқади деб ҳисоблайдилар.

Насрий таржиманинг яна бир муаммоларидан бири матн моҳиятини очиб беришда яратиладиган жумлалар ва уларнинг таржимада ўз аксини топиш масалаларидир. Аслида, жумла нафақат

баёндан иборат, балки унинг ортида бошқа бир мазмун ҳам мавжуд бўлади. Бадий матн таркибидаги жумлалар матн моҳиятини ёритади ва уларнинг аниқ таркиби, структурасини акс эттиради. Агар таржимон жумлаларни фақат ўзига ҳос мазмунига қараб матнни қайта яратса, матннинг асосий белгиси йўқолиши мумкин.

Демак, насрий таржиманинг юқорида тақидлаб ўтилган бир неча муаммолари мавжудки, буларни таржима жараёнида бартараф этиш бадий матнга ҳос хусусиятларни таржима матнига олиб ўтишда катта аҳамиятга эга.

Насрий таржима муаммолари орасида тил бирликлар, яъни сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологик бирликларнинг эквивалентлиги, фонетик, синтактик ҳамда стилистик усулларнинг берилиши, шунингдек, насрий таржимада миллий колоритнинг ифодаланиши каби муаммоларни бугунги кун таржимашунослигида ечимини кутаётган масалалар сирасига киритишимиз мумкин.

### Адабиётлар

1. Baker M. In Other Words. A course book on translation. Second edition. – London and New York. Routledge: Taylor and Francis Group, 2011. – 232 p.
2. Susan Bassnet. Translation studies. 3<sup>rd</sup> edition. – London and New York. Taylor & Francis e-Library, 2005. – 176 p.
3. Benjamin, W. Illuminations (H. Zohn, Trans). New York: Schocken Books. 1968. – 288 P.
4. Benjamin Walter. “The Task of the Translator”, in: *Selected Writings 1, 1913-1926*, eds. Marcus Bullock & Michael W. Jennings (Cambridge, MA: Belknap Press of Harvard University Press, 1996), p. 261.
5. Bhatia, N. (Ed.). (1992). The Oxford companion to the English language. “Oxford University Press”, pp 51– 54.
6. Catford J.C. A Linguistic Theory of Translation. – Indiana: Oxford University Press, 1965. – 103 p.
7. Cohen, J.M. (1986) Translation, Encyclopedia Americana, vol. 27, p. 13.
8. Halverson, S. (1997). The Concept of Equivalence in Translation Studies. Target1-2(1997).
9. Kasperek, C. The Translator’s Endless Toil. The Polish Review, 1983. 28(2). – P. 83
10. Newmark P. Approaches to Translation. – Hertfordshire: Prentice Hall, 1988. –234 p.
11. Nida, E. A., & Taber, C. R. The Theory and Practice of Translation. Leiden: E.J. Brill. 1982. – P. 200.
12. Paz, O. Traducccion: Literatura y literalidad. Barcelona: Tusquets Editor. 1971. – 77 p.
13. Pym, A. (1992). Natural and Directional Equivalence in Theories of Translation. P.37.



14. Venuti, L. *The Translator's Invisibility. A History of Translation*. London and New York: Routledge. 1995.–P.310.

15. Vieira, E. R. P. *Liberating Calibans: Readings of Anthropofagia and Haroldo de Campos' Poetics of Transcreation*. In S. Bassnett & H. Trivedi (Eds.), *Post-colonial Translation*. London/New York: Routledge. 1999. – P. 111.

16. Vinay, J. P., & Darbelnet, J. (1995). *Comparative Stylistics of French and English: A Methodology for Translation* (J. C. Sager & M. J. Hamel, Trans.). Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins. – P.342.

*Yo'ldoshev U. The problems of prose translation. The article deals with prose translation and its peculiar features. Differences between prose translation and poetic translation, the structure of source and target languages in prose translation, problems related to culture, the importance of equivalence in prose translation are discussed in this article.*

*Йулдошев У. Проблемы прозаического перевода. В статье рассматривается перевод прозы и его особенности. В статье обсуждаются различия между прозаическим и поэтическим переводом, структура исходного и язык перевода в прозаическом переводе, проблемы связанные с культурой, важность эквивалентности в прозаическом переводе.*